

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

ЯНГИ ҚОНУН

Ҳуқуқий ахборотлар вақтида етиб боради

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан жамиятимиз ҳаётида муҳим ўрин тутувчи қатор қонунлар маъқулланди.

«Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишнинг таъминлаш тўғрисида»ги Қонун шулардан бири бўлиб, у аҳолининг ҳуқуқий ахборотлардан ўз вақтида хабардор бўлишини таъминлашга қаратилган. Қонун асосида яратилган механизм жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқий ахборотдан фойдаланишининг қулай тизимини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси яратилган. Мазкур база айни пайтда 30 мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўз ичига қамраган.

Жорий йил февраль ойида Президентимизнинг «Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилингани ушбу йўналишдаги ишларни сифат жиҳатидан тамомила янги босқичга олиб чиқди.

Мазкур қарор ҳамда Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида «Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишнинг таъминлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, парламент муҳокамасига киритилган эди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қабул қилиниб Сенатта тақдим этилган мазкур Қонун ялпи мажлисида сенаторлар томонидан маъқулланди.

Мазкур Қонун 4 боб, 28 моддадан иборат бўлиб, мақсади ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишнинг таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдир.

Қонунда ҳуқуқий ахборот-

ни тарқатиш ва ундан фойдаланишнинг таъминлашнинг асосий принциплари, ундан фойдаланиш кафолатлари мустаҳкамланган. Ундан вазирликлар, давлат қўмиталари, идораларининг ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишнинг таъминлаш соҳасидаги ваколатлари ўрин олган. Таълим муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамда фуқароларнинг ушбу жараёндаги иштироки каби масалалар қамраб олинган.

Қонунда янги тушунчалар мавжуд. Жумладан, ҳуқуқий ахборот, ҳуқуқий ахборотдан фойдаланиш, ҳуқуқий ахборотни тарқатиш тушунчаларининг мазмуни баён этилган.

Қонунга кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларга оид расмий шарҳлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қўлланилиш тартиби тўғрисидаги тушунтиришлар, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қарорлари, Олий суд Пленумининг қонун ҳужжатлари қўлланилиши масалалари бўйича қарорлари матнлари, шунингдек, суд амалиётини умумлаштириш материаллари ҳуқуқий ахборот ҳисобланади.

Ошқоралик, очиклик, ҳуқуқий ахборотни излаш ва олиш эркинлиги ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишнинг таъминлашнинг асосий принциплари сифатида белгиланган.

Ҳуқуқий ахборотдан фойдаланиш давлат томонидан кафолатланади. Фуқароларнинг ҳуқуқий ахборотни монеликсиз излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқи кафолатлари қўчайтирилган.

Давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва мансабдор шахслар ҳар кимга ҳуқуқий ахборотдан фойдаланиш

имкониятини белгиланган тартибда таъминлаши шарт.

Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш усуллари ҳам қонундан ўрин олган. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнларини юбориш, уларни расмий эълон қилиш, норасмий эълон қилиш, ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш, жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг сўровларига кўра ҳуқуқий ахборот тақдим этиш шулар жумласидандир.

Жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг сўровларига кўра ҳуқуқий ахборот тақдим этиш механизмлари белгиланган. Қонунда жисмоний ва юридик шахсларнинг сўровига кўра давлат органлари ва ташкилотлари томонидан улар фаолиятига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қўлланилиш тартибини тушунтириш билан боғлиқ нормалар назарда тутилган. Давлат органларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини юритишнинг мажбурийлиги белгиланган.

Қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинганда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш тартиби ҳамда ушбу Қонунни бузганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, янги Қонуннинг кучга кириши ва ҳаётга татбиқ этилиши ҳуқуқий ахборотни олиш ва ундан фойдаланиш борасида аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни ҳал этишга замин яратади. Шу билан бира, инсон ҳуқуқларини тўлақонли таъминлашга, пировардида халқнинг давлат органларидан рози бўлишга кўмаклашади. Ўз навбатида, давлат органларининг ҳам аҳолини ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш бўйича масъулияти ошишига хизмат қилади.

Толибжон Мадумаров,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари.

Ў.А.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИК

Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 2 сентябрда «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177-сон Фармони (кейинги ўринларда – Фармон) қабул қилинди. Фармон 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига биноан, шунингдек, валютага оид тартибга солишнинг бозор механизмларини жорий этиш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, ички ва ташқи бозорларда миллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатдошлигини ошириш, республикада инвестициявий иқлим ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида қабул қилинди.

Валюта сиёсати янада эркинлашди



Устувор йўналишлар

Фармон билан валюта бозорини янада эркинлаштириш соҳасида давлат иқтисодий сиёсатининг жумладан қуйидаги устувор йўналишлари белгиланди:

- юридик ва жисмоний шахсларнинг чет эл валютасини эркин сотиб олиш ва сотиш, ўзининг валюта маблағларини ўз хоҳишига кўра тасарруф этиш ҳуқуқлари рўёбга чиқарилишини тўлиқ таъминлаш;
- чет эл валютасига нисбатан миллий валюта курсини белгилашда фавқулодда бозор механизмларидан фойдаланиш;
- валюта сиёсатини эркинлаштириш оқибатида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами ҳаёт даражасида юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларни камайтириш юзасидан ҳар томонлама манзилли ижтимоий кўмак чораларини амалга ошириш.

Чет эл валютасини харид қилсангиз...

Фармонга кўра 2017 йилнинг 5 сентябридан бошлаб:

- Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари жорий халқаро операциялар (товарлар, ишлар ва хизматлар импорти, фойдани

Чет эл валютаси муомалада бўлган ҳамда хорижий давлатда қонуний тўлов воситаси ҳисобланган банкнотлар, ҳазина билетлари ва тангалар кўринишдаги чет эл пул белгилари, муомаладан чиқарилган ёки чиқарилаётган ҳамда худди шу хорижий давлатнинг пул белгиларига алмаштирилиши лозим бўлган чет эл пул белгилари, шунингдек ҳисобварақларда ва омонатларда бўлган хорижий давлатларнинг пул бирликларидаги ҳамда халқаро пул ёки ҳисоб-китоб бирликларидаги маблағлардир («Валютаси тартибга солиш тўғрисида»ги Қонун 3-моддасининг иккинчи қисми (янги таҳрири 2003 йил 11 декабрда тасдиқланган).

репатриация қилиш, кредитларни сўндириш, хизмат сафари харажатларини тўлаш ва бошқа савдо хусусиятга эга бўлмаган пул

2-бетда

Ушбу сонда:

4-БЕТ

Энергетика соҳаси янада ислоҳ қилинади

7-БЕТ

Хусусий бизнесни кредитлашда истиқболли қадамлар

8-БЕТ

Юк ташиш соҳасида ходимларга қўйиладиган талаблар

Валюта сиёсати янада эркинлашди

1-бетда ўтказмалари) бўйича чет эл валютасини тижорат банкларидан чекланмаган миқдорда харид қилишлари мумкин;

➤ **жисмоний шахслар** — Ўзбекистон Республикаси резидентлари айирбошлаш шохобчаларида чет эл валютасини эркин сотишлари ҳамда амалдаги тартибга мувофиқ тижорат банкларининг конверсион бўлимларида эркин харид қилишлари мумкин. Бунда ўрнатилган қоидага кўра, сотиб олинган маблағлар халқаро тўлов карталарига ўтказиб берилди ва ундан хорижда ҳеч қандай чекловларсиз фойдаланиш мумкин бўлади;

➤ **юридик шахс** мақомига эга бўлмаган, хорижда истеъмол товарлари импорти билан шуғулланувчи яқка тартибдаги тадбиркорларга валютани жисмоний шахслар учун ўрнатилган тартибда банк ҳисобварақлари орқали харид қилишга рухсат берилди;

➤ **мулкчилик** шаклидан қатъи назар, экспорт билан шуғулланувчиларга чет эл валютаси тушумини мажбурий сотиш талаби бекор қилинади;

➤ **юридик шахс** мақомига эга бўлмаган яқка тартибдаги тадбиркорлар, шунингдек, чет эл валютасида даромадга эга бўлган фермер хўжалиқларига ўзларининг банкдаги ҳисобварақидан нақд валюта ечиб олишга рухсат берилди.

Амалдаги қонунчиликда:

Ўзбекистон Республикасининг резидентлари қуйидагилардир:

➤ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари;

➤ Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

➤ Ўзбекистон Республикасининг ҳудудидан рўйхатдан ўтган юридик шахслар;

➤ Ўзбекистон Республикасининг имунитет ва дипломатик имтиёزلардан фойдаланадиган хориждаги дипломатия ҳамда бошқа ваколатхоналари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ташкилотларининг чет элдаги, хўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ваколатхоналари («Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддаси).

Фақат миллий валютада

Фармонга кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида қуйидаги тартиб ўрнатилади:

● **товарлар** (иш ва хизматлар) учун тўловни чет эл валютасида амалга ошириш тақиқланади, халқаро амалиётга мос равишда халқаро тўлов карталари билан амалга ошириладиган тўловлар бундан мустасно;

● **товарлар, иш ва хизмат** учун нархлар ва тарифлар, шунингдек, жамиятларнинг устав жамғармасига минимал талаблар фақат миллий валютада кўрсатилади;

● **давлат божлари, йигим ва бошқа мажбурий тўловлар** фақат миллий валютада амалга оширилади, консуллик йигимлари бундан мустасно.

● ЯНГИ ҚОНУН

— Ҳуқуқий ахборотлар вақтида етиб боради **1-бет**

● БИР ҲУЖЖАТ ШАРҲИ

— Валюта сиёсати янада эркинлашди **1-2-бетлар**

● ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

— Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

— Тадбиркорларга янги имкониятлар

— Валюталар курси **2, 7-бетлар**

● РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари:

— «Ўзсаноатэкспорт» АЖ фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»;

— «Замонавий энергия самарадор ва

Банк таваккалчилиги ва лицензия

Шундай тартиб ўрнатилмоқдаки, унга кўра:

● чет эл валютасида кредитлар бериш ва уни сўндириш шартлари тижорат банклари томонидан ўзларининг кредит сиёсатидан келиб чиқиб ва томонларнинг келишувига кўра мустақил белгиланади;

● банкларнинг чет эл валютасининг олди-сотдиси билан боғлиқ таваккалчиликлари ишбилармонлик таваккалчилиги ҳисобланади ва уларни ошқариш тижорат банкларининг ўз ихтиёрида бўлади;

● чет эл валютасини харид қилиш ва сотишда воситачилик муқофотлари миқдори тижорат банклари томонидан мустақил ўрнатилади;

● тижорат банкларига чет эл валютасида операциялар ўтказиш учун лицензия бериш амалиёти бекор қилинади. Тижорат банклари чет эл валюталари билан операцияларни банк фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия асосида амалга оширади.

2013 йил 1 февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг резидентлари — жисмоний шахсларга ваколатли банклар томонидан чет эл валютасини халқаро тўлов карталаридан фойдаланган ҳолда нақдсиз шаклда сотиш механизми жорий этилган.

Янги тахрирдаги Қонун бўйича

Марказий банк 2018 йил биринчи ярми якунига кўра Фармон билан ўрнатилган нормалар таъсирини таҳлил қилган ҳолда «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонун янги тахририни ишлаб чиқиши ва Вазирлар Маҳкамасига киритиши лозим.

Мазкур ҳужжатда қуйидагилар ўз ифодасини топан бўлиши даркор:

● валюта операцияларининг амалиётда учрайдиган барча жиҳатларини қамраб олиш, ҳаволаки нормаларни максимал тарзда қисқартириш;

● Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси барқарорлигини таъминлаш;

● жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз валюта маблағларини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқларини тўлиқ рўйбага чиқариш;

● мамлакат иқтисодий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, капитал ҳаракатланиши билан боғлиқ операцияларни тартибга солиш масалалари.

Бош прокуратура, Давлат солиқ қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида нақд чет эл валютасининг ноқонуний муомаласини ва нақд чет эл валютаси билан ноқонуний операцияларни амалга оширишни бартараф этиш бўйича таъсирчан чора-тадбирларни кўриши лозим.

Фаррухжон Файзиев, ҳуқуқшунос.

энергия тежайдиган технологияларни янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида».

Идораъий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат: — ЎЗР МВ, ИВ, ДСҚ ва ДБҚнинг «Маблағларни инвестицияга йўналтирувчи юридик шахслар томонидан имтиёزلарни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2017 йил 29 июлдан 18 августгача бўлган маълумот

● АВТОНОРМА

— Юк ташиш: ишни қандай тўғри ташкил этиш мумкин **8-бет**

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз



Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва norma.uz, nrm.uz сайтларида танишиб чиқишингиз мумкин.

Бизнес-омбудсман тадбиркорларни қандай ҳимоя қилади

29.08.2017 йилдаги ЎРҚ-440-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида»ги Қонун имзоланди.

Таъкидлаш жоизки, Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тадбиркорлик субъектларининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан берган шикоятларини кўриб чиқади.

Уларни кўриб чиқишда бизнес-омбудсман ўз ваколатлари доирасида:

➤ масалани унинг моҳиятига кўра ҳал қилиши;

➤ арз қилувчи ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун фойдаланиши мумкин бўлган воситалар ва шакллари кўрсатиши;

➤ шикоятни унинг моҳиятига кўра ҳал қилишга ваколатли бўлган ташкилотга ёки мансабдор шахсга юбориши;

➤ арз қилувчининг унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан таништириши;

➤ сабабини албатта кўрсатган ҳолда шикоятни кўриб чиқишни рад этиши мумкин.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишига доир қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги огоҳлантириш давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларига ёзма равишда эълон қилинади.

Огоҳлантириш тўғрисида юқори туруччи органга ёки мансабдор шахсга хабар қилиниши мумкин.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишига доир қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилишларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш

тўғрисидаги тақдимнома давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг қонун ҳужжатлари бузилишларини бартараф этиш юзасидан ваколат берилган раҳбарларига киритилади.

Тақдимнома кечиктирмай кўриб чиқишли лозим. Кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида, агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса, 15 кундан кечиктирмай ёзма равишда хабар қилиниши лозим.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил қайси давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг, унинг мансабдор шахсининг қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузган бўлса, ўша давлат органига ёки бошқа ташкилотга, унинг мансабдор шахсига тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини тиклаш юзасидан ўз хулосасини юборади.

Хулосада қуйидаги тавсиялар назарда тутилиши мумкин:

● ишнинг давлат органи ёки бошқа ташкилот ёхуд мансабдор шахс томонидан ниҳоясига етказилиши зарурлиги;

● давлат органининг, бошқа ташкилотнинг ёки мансабдор шахсининг қарори ўзгартирилиши ёхуд бекор қилиниши кераклиги;

● давлат органларининг, бошқа ташкилотнинг ёки мансабдор шахсининг қарорини асослантириш зарурлиги;

● давлат органининг, бошқа ташкилотнинг ёки мансабдор шахсининг қарорини асослантириш зарурлиги.

Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари бизнес-омбудсманга унинг фаолиятида қўмаклашиши шарт. У томонидан сўралаётган, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли бўлган ҳужжатлар, материаллар ҳамда бошқа маълумотлар, агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса, сўров олинган кундан эътиборан 10 кундан кечиктирмасдан тақдим этилиши керак.

Олег Заманов, экспертизи.

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	31.08.2017	1	1,7010	1	2,0204	1	0,0291
Арманистон	1.09.2017	1	478,45	1	570,65	1	8,25
Беларусь	4.09.2017	1	1,9288	1	2,2927	100	3,3213
Грузия	4.09.2017	1	2,4387	1	2,9057	100	4,2132
Қозғоғистон	4.09.2017	1	337,04	1	400,2	1	5,77
Қирғизистон	4.09.2017	1	68,6880	1	82,0513	1	1,1695
Молдова	4.09.2017	1	17,8026	1	21,2110	1	0,3077
Россия	2.09.2017	1	58,0557	1	68,9992	—	—
Тожикистон	4.09.2017	1	8,8086	1	10,4391	1	0,1479
Украина	6.09.2017	1	3,5000	1	4,1647	100	6,0280
Украина	4.09.2017	100	2 574,8384	100	3 069,2074	10	4,4351

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиб, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга **«NORMA» gazetalarini birlashgan tahririyati** МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.



РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:

— «Ўзсаноатэкспорт» АЖ фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»;
— «Замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида».

• ИДОРАВИЙ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ:

— ЎзР МВ, ИВ, ДСҚ ва ДБҚнинг «Маблағларни инвестицияга йўналтирувчи юридик шахслар томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

• МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РҲИХАТИДАН УТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2017 ЙИЛ 29 ИЮЛДАН 18 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

«ЎЗСАНОАТЭКСПОРТ» АЖ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 28.08.2017 йилдаги 34 (794)-сон, 877-модда)

Иқтисодиёт тармоқларининг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, тадбиркорлик субъектлари томонидан ташқи савдо фаолиятини амалга оширишда, рақобатбардош маҳсулотларни ташқи бозорларга чиқаришда уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш бўйича «Ўзсаноатэкспорт» АЖ фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар «Ўзсаноатэкспорт» АЖ фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

биринчидан, чуқур маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, мамлакат иқтисодиёт тармоқларининг маҳсулотларига бўлган жаҳон конъюнктураси тенденцияларини ўрганиш ва бунинг асосида маҳаллий маҳсулотларни сотишнинг истиқболли хорижий бозорларини аниқлаш ва экспортга маҳсулот етказиб бериш географиясини кенгайтириш;

иккинчидан, ташкилотлар ва тадбиркорлик субъектларига ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг чет эллардаги потенциал харидорларини излаб топишда кўмаклашиш, шунингдек, мамлакатимиз корхоналарида экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга хорижий шерикларнинг буюртмаларини жойлаштириш;

учинчидан, маҳаллий маҳсулот етиштирувчиларни кенг намойиш этишни таъминлаш ҳамда ана шу маҳсулотни сотишни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ўтказиладиган тендер (танлов) савдоларида, халқаро савдо-саноат кўргазмалари, ярмаркалари ва бошқа шунга ўхшаш тадбирларда қатнашиш, ихтисослаштирилган интернет-нашрларда Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳияти тўғрисидаги, ташкилотларнинг илмий ва ишлаб чиқариш имкониятлари ҳақидаги ахборотни тарқатиш;

тўртинчидан, машинасозлик, фармацевтика, нефть-газ, металлургия, тўқимачилик, галлачилик, кимё ва нефть-кимё саноати, қурилиш материаллари саноати ҳамда бошқа саноат корхоналарига уларнинг маҳсулотлари экспортга чиқарилишида кўмаклашиш, шу жумладан корхоналарни экспорт олдида молиялаштириш шаклида кредитлаш;

бешинчидан, чет элларда ташкилотлар (савдо уйлари, ваколатхона ва корхоналар) барпо этиш ҳамда консигнация шартномалари (контрактлари) ва бошқа шаклдаги шартномалар асосида уларнинг манзилига товарлар юклаб жўнатилишини таъминлаш;

олтинчидан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида республика саноат корхоналарининг бўш ётган ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш мақсадида қайта ишлаш (толлинг) бўйича операцияларни амалга ошириш учун хорижий компанияларни жалб этиш;

еттинчидан, чет эллардан товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилишда давлат органлари ва ташкилотларга, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига белгиланган тартибда ёрдам кўрсатиш.

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо вазирини (Э.М.Фанниев), «Ўзсаноатэкспорт» АЖ бошқаруви раиси (Э.Я.Юнусов) ҳамда унинг таржибига кирувчи ташкилотларнинг раҳбарлари зиммасига акциядорлик жамиятига юкланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

2. «Ўзсаноатэкспорт» АЖнинг бошқарув ходимлари чекланган сонин 40 нафардан иборат бўлган иккунча аппарати тўзилмаси иловага* мувофиқ маъқуллансин.

3. «Ўзсаноатэкспорт» АЖга:

«Ўзсаноатэкспорт» АЖнинг чет эллардаги савдо уйлари манзилига озуқабон бугдойдан фойдаланишнинг тасдиқланган баланси ҳажмлари доирасида консигнация шартларига мувофиқ озиқ-овқат уни ва бугдойни юклаб жўнатиш;

«Ўзсаноатэкспорт» АЖ томонидан олиб келинган ва «божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимида жойлаштирилган хом ашё ва материалларни қайта ишлаш натижаларига кўра олинган маҳсулотларни жаҳон бозорларида сотиш учун кейинчалик олиб чиқиб кетиш ҳуқуқи берилсин.

4. Белгилансинки, «Ўзсаноатэкспорт» АЖ томонидан

*Қарорга илова берилмайдۇ. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АҚТда ва norma.uz сайтида танишиш мумкин.

ташки савдо операцияларини амалга ошириш чоғида тушумларнинг келиб тушиш мuddати ёки экспорт операциялари бўйича қайта олиб кириш мuddати товарлар, ишлар ва хизматларнинг амалдаги экспорт кунидан бошлаб 90 кундан ошмаслиги керак.

5. «Ўзсаноатэкспорт» АЖ Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 109-уйда жойлаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги (Э.М.Ғаниев) Ўзбекистон Республикаси Адли вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мақзур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – «Ўзавтосаноат» АЖ бошқаруви раиси У.У.Розуқулов ва Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо вазир Э.М.Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЕЕВ.**

Тошкент ш.,
2017 йил 16 август
ПҚ–3220-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ЗАМОНАВИЙ ЭНЕРГИЯ САМАРАДОР ВА ЭНЕРГИЯ ТЕЖАЙДИГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЯНАДА ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 28.08.2017 йилдаги 34 (794)-сон, 886-модда)

Мамлакатимизда энергетика соҳасини янада ислоҳ қилиш, электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ, сувдан (кейинги ўринларда энергия ресурслари деб юритилади) оқилона фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, тўлов интизомини мустаҳкамлаш чоралари кўрилмоқда.

Шу билан бирга, энергия ресурслари истеъмолнинг самарадорлигини мониторинг қилишнинг таъсирчан тизими, шунингдек, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида (кейинги ўринларда давлат органлари ва ташкилотлари деб юритилади) замонавий энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича хизматларнинг мавжуд эмаслиги энергия ресурслари харажатларини мақбуллаштириш имконини бермаётган.

Иссиқлик таъминоти объектларини модернизация қилишда тизимли камчиликларнинг мавжудлиги, маънан ва жисмонан эскирган қозонхона асбоб-ускуналаридан фойдаланилаётганлиги энергия ресурсларини самарасиз истеъмол қилишга олиб келмоқда.

Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан 2015–2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастурини бажариш бўйича ишлар лозим даражада ташкил этилмаган.

Давлат органлари ва ташкилотларида замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида:

1. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг «Энергия тежайш миллий компанияси» акциядорлик жамиятини (кейинги ўринларда «ЭТМК» АЖ деб юритилади) ташкил этиш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қўйиладиган «ЭТМК» АЖнинг асосий вазифалари эътиб белгилансин:

давлат органлари ва ташкилотларида энергия ресурслари истеъмолнинг самарадорлигини мониторинг қилиш;

давлат органлари ва ташкилотларида замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича таклифларни тайёрлаш;

давлат органлари ва ташкилотларида замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг харажатларини мақбуллаштириш, товарлар (ишлар, хизматлар) таннархини пасайтириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш ва энергия ресурслари учун харажатларни қисқартириш ҳисобига бюджет ҳамда ўз маблағларини тежайш;

фойдаланиладиган энергия ресурслари ҳажмини камайтиришга қаратилган техник, технологик, иқтисодий ва бошқа чораларни амалга ошириш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

«ЭТМК» АЖнинг устав фонди таъсисчилар ўртасида 1-иловага мувофиқ тақсимланади;

«ЭТМК» АЖ давлат органлари ва ташкилотларида энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича товарлар (ишлар, хизматлар)нинг ягона етказиб берувчиси ҳисобланади;

энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) мажбурий сертификатлаштирилиши шарт;

«ЭТМК» АЖнинг давлат органлари ва ташкилотларида энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларни қоплаш улар жорий қилингандан кейин олинган тежайш миқдорларидан келиб чиқиб амалга оширилади;

тежайш даражаси тасдиқланганда давлат органлари ва ташкилотларининг «ЭТМК» АЖ олдидаги мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг давлат қофолати берилди;

энергия самарадорлиги юқори бўлган ўхшаш товарлар мавжуд бўлган тақдирда, давлат органлари ва ташкилотларига энергия самарадорлиги паст товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш тақиқланади;

«ЭТМК» АЖнинг тўловлари харажатларнинг тўртинчи гуруҳи – бошқа харажатлар бўйича амалга оширилади;

хорижий ва халқаро молия институтларининг маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар «ЭТМК» АЖ фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда «ЭТМК» АЖнинг устав фондини шакллантирган ҳолда акцияларни белгиланган тартибда чиқариш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва таъсисчилар ўртасида жойлаштиришни таъминласин.

5. «ЭТМК» АЖнинг директорида истисно тариқасида юқори малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилишга ҳамда уларга иш ҳақи ва бошқа тўловларни эркин конвертация қилинадиган валютада белгилашга рухсат берилсин.

6. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги лойиҳаларни танқидий таҳлил қилиш ва уларни оптималлаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича комиссия 2-иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

7. Комиссия (М.Х.Салиев) уч ой муддатда:

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида, шу жумладан, хорижий ва халқаро молия институтлари иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича танқидий таҳлил ўтказсин;

ўтказилган ўрганиш якунлари бўйича уй-жой коммунал хизматларнинг бюджет харажатлари ва ташкилий-штат тузилмасини оптималлаштириш юзасидан таклифлар тайёрласин;

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурларини оптималлаштириш бўйича таклифлар тайёрласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги:

«ЭТМК» АЖ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда давлат органлари ва ташкилотларида замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этишнинг шартлари ва аниқ мезонларини белгилайдиган таклифларни киритсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «ЭТМК» АЖ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзинжиниринг» Республика лойиҳа институти билан биргаликда уч ой муддатда қозонхона станцияларини хатловдан ўтказсин ҳамда якуни юзасидан Вазирлар Маҳкамасига Қозонхона асбоб-ускуналарини модернизация қилиш бўйича давлат дастури лойиҳасини киритсин.

9. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзинжиниринг» Республика лойиҳа институти Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда хорижий ва халқаро молия институтларининг маблағларини жалб қилган ҳолда энергия сервис шартномалари доирасида

амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича лойиҳаолди ҳужжатларининг ишлаб чиқишини таъминласин.

10. «Ўзстандарт» агентлиги «ЭТМК» АЖни давлат органлари ва бошқа ташкилотларида энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича товарлар (ишлар, хизматлар)ни сертифицирлаш юзасидан ягона орган сифатида белгиланган тартибда аккредитация қилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги икки ой муддатда:

Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига энергия сервис шартномасида белгиланган тежаш даражаси тасдиқланганда давлат органлари ва ташкилотларининг «ЭТМК» АЖ олдидаги мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолатини бериш тартиби юзасидан таклифларни киритсин;

энергия сервис шартномаларининг амал қилиш даврида коммунал хизматлар учун, шу жумладан, тарифлар ўсишини ҳисобга олиб, илгари назарда тутилган бюджет ажратмалари миқдорини сақлаб қолган ҳолда бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларни молиялаштириш тартибини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда «ЭТМК» АЖнинг тузилмасини тасдиқласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ўшбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш.М.Садиков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентини
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2017 йил 23 август
ПҚ–3238-сон.

ЎЗР Президентининг 2017 йил 23 августдаги ПҚ–3238-сон қарорига
1-ИЛОВА

«ЭНЕРГИЯ ТЕЖАШ МИЛЛИЙ КОМПАНИЯСИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ УСТАВ ФОНДИДАГИ УЛУШЛАРНИНГ ТАҚСИМОТИ

Таъсисчилар	Устав фондидаги улушлар:	
	сумма (млн сўм)	фоизларда
Жами	1 661,74	100
шу жумладан:		
Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	864,11	52
Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки	265,88	16
«Асакабанк» АТБ	265,88	16
«Туранбанк» АТБ	265,88	16

*Қарорга 2-илова берилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТда ва norma.uz сайтида танишиш мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси
қонунчилиги**

www.norma.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ,
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ, ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

**МАБЛАҒЛАРНИ ИНВЕСТИЦИЯГА ЙЎНАЛТИРУВЧИ
ЮРИДИК ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ИМТИЁЗЛАРНИ ҚЎЛЛАШ
ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2017 йил 25 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2918

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 28.08.2017 йилдаги 34 (794)-сон, 911-модда)

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни-нинг 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги ПФ-3860-сон «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 20 сентябрдаги ПҚ-2042-сон «Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-

Молия вазири

Б.ХОДЖАЕВ.

110-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси

Б.ПАРПИЕВ.

2017-37-сон

ги қарорининг 6-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Маблағларни инвестицияга йўналтирувчи юридик шахслар томонидан имтиёزلарни қўллаш тартиби тўғрисидаги низоми 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилинсин.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Иқтисодиёт вазири

Г.САИДОВА.

140-сон

Давлат божхона қўмитаси раиси

М.ТОХИРИЙ.

01-02/8-29-сон

Тошкент ш., 2017 йил 17 июль.

ЎзР МВ, ИВ, ДСҚ ва ДБКнинг
2017 йил 17 июлдаги 110, 140, 2017-37 ва
01-02/8-29-сон қарорига
1-ИЛОВА

**МАБЛАҒЛАРНИ ИНВЕСТИЦИЯГА ЙЎНАЛТИРУВЧИ ЮРИДИК ШАХСЛАР ТОМОНИДАН
ИМТИЁЗЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ**

Мазкур Низоми Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги ПФ-3860-сон «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 20 сентябрдаги ПҚ-2042-сон «Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 6-бандига мувофиқ маблагларни инвестицияга йўналтирувчи юридик шахслар томонидан имтиёزلарни қўллаш тартибини белгилайди.

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низомини қўллаш мақсадида инвестиция деганда маблагларни қуйидагиларга:

ишлаб чиқаришни модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, янги технологик жиҳоз харид қилишга, ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтиришга, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга;

янги технологик асбоб-ускуналар олишга, сифатни бошқариш тизимларини жорий этишга, махсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификатлаштиришдан ўтказишга, лаборатория тестлари ва синовларини ўтказиш учун комплекслар олишга;

Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига ҳар йили қиритиладиган ахборот тизимларини яратиш бўйича инвестиция лойиҳалари доирасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган дастурий таъминот воситаларини сотиб олишга йўналтириш тушунилади.

2. Мазкур Низоми мақсадлари учун қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

янги технологик жиҳоз (асбоб-ускуна) – чиқарилган санадан бошлаб уч йилдан ошмаган маҳсулот, ишлар ва хизматларни ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этадиган машиналар, аппаратлар, қурilmалар, механизмлар;

модернизациялаш – асосий воситалар объектини технологик ёки хизмат мақсадини ўзгартириш, уларнинг унумдорлигини ошириш ёки бошқа сифат кўрсаткичларини яхшилашга йўналтирилган ишлар;

техник ва технологик қайта жиҳозлаш – илғор техника ва технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш, маънан ва жисмонан эскирган ускуналарни янги, унумдорлиги янада юқори бўлганлари билан алмаштириш асосида асосий воситалар ёки уларнинг айрим қисмларининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи. Техник ва технологик қайта жиҳозлаш янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ҳамда ишлаб турганларини кенгайтиришни ҳам ўз ичига олади;

ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилиш — ишлаб чиқаришни таомиллаштириш ва унинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ошириш билан боғлиқ бўлган ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, маҳсулот (ишлар, хизматлар) сифатини яхшилаш ва номенклатурасини ўзгартириш мақсадларида реконструкция қилиш лойиҳаси бўйича амалга ошириладиган товарларни ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматларни кўрсатиш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган мавжуд бинолар ва иншоотларни қайта қуриш;

ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтириш — маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида фойдаланиш мақсадида янги бино ва иншоотларнинг қурилиши.

3. Маблағларни инвестицияга йўналтирувчи юридик шахсларга юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзлар (бундан буюн матнда солиқ имтиёзлари деб юритилади) ушбу Низомда белгиланган тартибда тақдим этилади.

Қўшилган қиймат солиғи ва импорт божхона божини бўйича имтиёзлар (бундан буюн матнда божхона имтиёзлари деб юритилади) юридик шахслар томонидан олиб қилинадиган технологик асбоб-ускуналар, шунингдек бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмларга Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 211-моддасининг 7-бандига ва Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси 297-моддаси иккинчи қисмининг 13-бандига мувофиқ тақдим этилади.

4. Лизинг объектини қўшимча лизингга беришда солиқ имтиёзлари қўшимча лизингнинг олтувчида татбиқ этилади. Бу ҳолда лизинг объектини қўшимча лизингга берувчи лизинг олтувчида солиқ имтиёзлари татбиқ этилмайди.

5. Солиқ имтиёзлари янги технологик жиҳоз ишлаб чиқаришга жорий этилган ёки ўз ишлаб чиқаришини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтириш, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилиш, сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификатлаштиришдан ўтказиш, лаборатория тестлари ва синовларини ўтказиш учун комплекслар олиш ва ахборот тизимларини яратиш бўйича инвестиция лойиҳалари доирасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган дастурий таъминот воситаларини сотиб олиш амалга оширилган солиқ давридан бошлаб қўлланилади.

Солиқ имтиёзлари фойда (тушум) қайси фаолият туридан олинган бўлишидан қатъи назар, солиқ солинадиган фойданинг (солиқ солинадиган базанинг) барча суммасига нисбатан татбиқ этилади.

Фойдаланишга янгитдан киритилаётган янги технологик жиҳоз бўйича имтиёзларни қўллаш учун юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ва ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича ҳисоб-китобларга Фойдаланишга киритилган янги технологик жиҳоз тўғрисида маълумотномани ушбу Низом иловасига* мувофиқ шакл бўйича илова қилинади.

2-БОБ. СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ИМТИЁЗЛАРИНИ ҚўЛЛАШ

1-§. Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи бўйича имтиёзни қўллаш

6. Юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойдаси ишлаб чиқаришни модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, янги технологик жиҳоз харид қилишга, ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайти-

ришга, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга, ахборот тизимларини яратиш бўйича инвестиция лойиҳалари доирасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган дастурий таъминот воситаларини сотиб олишга, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни қайтаришга, лизинг объекти қийматининг ўрнини қоплашга йўналтириладиган маблағлар суммасига, шу солиқ даврида ҳисобланган амортизацияни чегириб ташлаган ҳолда, бироқ солиқ солинадиган фойданинг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда камайтирилади.

7. Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи бўйича имтиёз товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришни амалга оширувчи солиқ тўловчилар томонидан қўлланилади.

8. Кредитни (лизингнинг) тўлашда солиқ солинадиган фойдadan асосий қарз суммасини (лизинг объекти қийматини) тўлашга сарфланган сумма чиқариб ташланади.

9. Солиқ солинадиган базани ҳисоблашда жиҳозларни сотиб олиш учун фойдаланилган маблағлар факат бир марта чегириб ташланади. Масалан, агарда солиқ солинадиган база кредит (лизинг) ҳисобига олинган жиҳоз қийматига камайтирилган бўлса, у ҳолда ушбу кредитни (лизинг объекти қийматини) тўлашга сарфланган маблағлар солиқ солинадиган базасидан чегириб ташланмайди.

10. Солиқ солинадиган фойдани ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган мақсадларга йўналтириладиган маблағлар суммасига камайтириш харажатлар амалга оширилган солиқ давридан эътиборан, янги технологик жиҳоз бўйича эса у фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан беш йил ичида амалга оширилади. Агар жорий солиқ даврида ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган мақсадларга йўналтириладиган маблағлар суммаси солиқ солинадиган фойданинг 30 фоизидан ошса, қолган сумма келгуси солиқ даврларида ўрнатилган муддатда белгиланган чеклашларни ҳисобга олиб чегирилиши мумкин.

Бунда, солиқ солинадиган фойдани камайтириш ҳар ҳисобот (солиқ) даврида ўсиб борувчи якун билан амалга оширилади.

11. Агар маблағлар инвестицияга йўналтирилган ҳисобот (солиқ) даврида ҳисобланган амортизация суммаси ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган мақсадларга йўналтирилган маблағлар суммасидан ошса, ушбу ҳисобот (солиқ) даврида юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган фойдани камайтириш амалга оширилмайди.

2-§. Ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзни қўллаш

12. Ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган база янги технологик асбоб-ускуналар олишга, сифатни бошқариш тизимларини жорий этишга, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификатлаштиришдан ўтказишга, лаборатория тестлари ва синовларини ўтказиш учун комплекслар олишга ва ахборот тизимларини яратиш бўйича инвестиция лойиҳалари доирасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган дастурий таъминот воситаларини сотиб олишга йўналтирилган маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган базанинг қўпи билан 25 фоизга камайтирилади.

Ягона солиқ тўлови бўйича имтиёз маблағлар манбаидан (ўз маблағлари ёки қарзга олинган маблағлар, шу жумладан лизинг) қатъи назар, берилмайди.

13. Ушбу Низом 12-бандининг биринчи хатбошида кўрсатилган мақсадларга йўналтириладиган маблағлар суммасига солиқ солинадиган базани камайтириш кўрсатилган харажатлар амалга оширилган солиқ давридан эътиборан, янги техно-

*Низомга илова берилмайди. Хужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТда ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

логик асбоб-ускуна бўйича эса у фойдаланишга топширилган пайдан эътиборан беш йил ичида амалга оширилади. Бунда, ҳар бир ҳисобот солиқ даврида солиқ солинадиган базадан чегирилиши лозим бўлган маблағ суммаси солиқ солинадиган базанинг 25 фоизидан ошмаслиги лозим.

Агар ушбу Низом 12-бандининг биринчи хатбошида кўрсатилган мақсадларга жорий солиқ даврида йўналтириладиган маблағлар суммаси солиқ солинадиган базанинг 25 фоизидан ошиб кетса, у ҳолда ортган сумма келгуси солиқ даврларида ўрнатилган муддат доирасида, белгиланган чеклашларни ҳисобга олиб чегирилиши мумкин.

3-§. Божхона имтиёзларини қўллаш

14. Божхона имтиёзлари технологик асбоб-ускуналар, шунингдек бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмларнинг қўшилган қиймат солиғи ва импорт божхона божларидан озод қилиш кўринишида бериллади.

15. Технологик жиҳозни қўшилган қиймат солиғи ва импорт божхона божларидан озод этиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона бож ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхати (рўйхат рақами 2436, 2013 йил 20 март) бўйича амалга оширилади.

16. Божхона имтиёзлари бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмларга, улар контрактга (шартномага) мувофиқ технологик жиҳозлар билан бирга ажралмас қисми сифатида етказиб берилган тақдирда, татбиқ қилинади.

17. Божхона тўловлари бўйича имтиёзлар татбиқ этиладиган технологик жиҳоз олиб кирилатганда, божхона юк декларациясининг (БЮД) «Преференция» номли 36-графасида божхона тўловларидан озод қилинишининг тегишли кодлари кўрсатилади.

3-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

18. Технологик жиҳозлар харид (импорт) қилинган пайдан бошлаб уч йил ичида сотиб юборилган ёки текинга берилган бўлса, солиқ имтиёзлари бекор қилинади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларни тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланади.

19. Божхона имтиёзлари фақатгина божхона имтиёзларини қўллаган ҳолда импорт қилинган технологик жиҳоз олиб кирилган пайдан эътиборан уч йил ичида экспортга реализация қилинган ёки бепул берилган тақдирда бекор қилинади. Бунда тўланиши лозим бўлган тўловларни тўлаш бўйича мажбурият технологик жиҳозни экспорт қилувчига юклатилади.

Божхона имтиёзларини қўллаган ҳолда импорт қилинган технологик жиҳоз экспорт қилинганда экспортёр божхона органларига технологик жиҳозни импорт қилишда божхона расмийлаштируви амалга оширилган БЮДнинг кўчирма нусхасини тақдим этиши лозим.

20. Божхона имтиёзларини қўллаган ҳолда импорт қилинган технологик жиҳоз Ўзбекистон Республикаси ҳудудига реализация қилинган ёки бепул берилган тақдирда божхона тўловларини тўлаш бўйича мажбуриятлар юзага келмайди.

Бунда импорт қилинган технологик жиҳозни бераётган томон (импорт қилувчи, сотувчи, эгаси) харидорга технологик жиҳозни импорт қилишда божхона расмийлаштируви амалга оширилган БЮДнинг кўчирма нусхасини тақдим этиши лозим.

21. Мазкур Низомда белгиланган имтиёзларнинг тўғри қўлланиши устидан назорат давлат солиқ хизмати органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

ЎзР МВ, ИВ, ДСҚ ва ДБКнинг
2017 йил 17 июлдаги 110, 140, 2017-37 ва
01-02/8-29-сон қарорига
2-ИЛОВА

ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ТОПИЛАЁТГАН ИДОРАВИЙ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг 2007 йил 27 апрелдаги 47, 21, 2007-29 ва 01-02/8-11-сон «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтириш, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишни амалга оширувчи ҳўжалик йирутвчи субъектлар томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1688, 2007 йил 11 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 24-сон, 254-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг 2009 йил 1 апрелдаги 39, 66, 2009-3 ва 01-02/8-1-сон «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник

ва технологик қайта жиҳозлашни амалга оширувчи ҳўжалик субъектлари томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1688-1, 2009 йил 20 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 17-сон, 218-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг 2010 йил 26 январдаги 8, 93, 2010-2 ва 01-02/8-1-сон «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни амалга оширувчи ҳўжалик йирутвчи субъектлар томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1688-2, 2010 йил 15 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 6-7-сон, 56-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА
ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ
ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА
2017 ЙИЛ 29 ИЮЛДАН 18 АВГУСТГАЧА
БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

1. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 26 июндаги 117-сон «Муҳрлар ва штампларни тайёрлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2017 йил 1 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1077-3.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлигининг 2017 йил 7 июлдаги 28, 21-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотишни расмийлаштириш масалаларига оид ҳужжатларни тайёрлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 1 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2909.

3. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2017 йил 20 июлдаги 4, 38, 3-сон «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги ўй-жойлар қуриш учун ташқи муҳандислик коммуникацияларига улашни имконияти бўлган суғоришмайдиган ҳамда унумдорлиги паст қишлоқ ҳўжалиги ер участкаларини аниқлаш қўдаларининг 3-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 2 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2464-1.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хўнара таълими маркази, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2017 йил 30 июндаги 53/ҚҚ, 20-ҚҚ-сон «Академик лицейларга ўқитувчиларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 3 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2910.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хўнара таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2017 йил 30 июндаги 54/ҚҚ, 16/ҚҚ, 21-ҚҚ-сон «Ўрта махсус, касб-хўнара таълими муассасалари директор ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагогларнинг бўш лавозимларни эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 3 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1461-1.

6. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлигининг 2017 йил 12 июлдаги 60-сон «Тендер бўйича таклифларни баҳолаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 3 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2630-2.

7. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 10 июлдаги 01/16-26/15-сон «Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-ҳўжалик фаолияти тўғрисидаги материалларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2017 йил 4 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2223-3.

8. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлигининг 2017 йил 17 июлдаги 62-сон «Чипта-ҳисоб ва йўл варақаларини тўлдириш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 4 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1282-3 (расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради).

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 27 июлдаги 01-02/12-30-сон «Хорижий автоташувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши, шу ерда бўлиши, транзити ва чиқиши тартиби тўғрисидаги йўриқнома, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 4 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 701-3.

10. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 26 июлдаги 159-сон «Йўл ҳаракати қўдаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 8 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2240-2.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг 2017 йил 18 июлдаги 17/1-сон «Тижорат банкларига касса ишмини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1831-5.

12. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил



19 июлдаги 109-сон «Сугурта ташкилотлари томонидан харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2017 йил 9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1517-2.

13. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 3 августдаги 103-сон «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш, бериш, сотиш, тақсимлаш ва ҳисобга олиш шартлари тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1090-2.

14. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 3 августдаги 104-сон «Дорихона ва тиббиёт муассасаларида трамadol дори воситасини сақлаш, ҳисобини олиб бориш ва бериш қоидалари тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 996-2.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2017 йил 12 июлдаги 100-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 11 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2657-3.

16. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 17 июлдаги 01/29-10/19-сон «Давлат пушларини бошқариш бўйича ишончли бошқарувчилар фаолияти самарадорлиги мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 11 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1394-8.

17. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2017 йил 25 июлдаги 96, 115-сон «Солиқ имтиёзлари тақдим этилиши натижасида бўшайдиган маблағлар ҳисобидан хусусий тиббиёт муассасаларининг

аҳоли ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига bepул тиббий хизматлар кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 11 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2911 (расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради).

18. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг 2017 йил 12 августдаги 19/2-сон «Тижорат банкларига жисмоний шахслардан нақд чет эл валютасини сотиб олиши учун Марказий банк томонидан мадад пуллари бериш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 16 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2912.

19. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2017 йил 26 июлдаги 101, 113-сон «1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ҳар йили санаторийларда соғломлаштириш курсини олиш ўрнига йўланманинг ўртача қийматига тенг компенсация бериш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 17 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2913.

20. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 9 августдаги 120, 3/1-6-1199, 24, 7, 95, 01-02/5-33-сон «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомига қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 17 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2222-4.

21. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2017 йил 10 августдаги 4-мб-сон «2017 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 17 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2843-1.

22. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2017 йил 10 августдаги 5-мб-сон «Аҳолига кўрсатилган пулли хизматларни ҳисобга олиш бўйича йўриқнома, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини чиқарган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2017 йил 17 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 305-3.

II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган Хорижий автоташувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши, шу ерда бўлиши, транзити ва чиқиши тартиби тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 701, 1999 йил 13 апрель), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 701-1, 2012 йил 18 октябрь), (рўйхат рақами 701-2, 2012 йил 10 декабрь).

Адлия вазирлигининг 2017 йил 4 августдаги 236-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Аҳолига кўрсатилган пулли хизматларни ҳисобга олиш бўйича йўриқнома (рўйхат рақами 305, 1997 йил 5 февраль), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 305-1, 2006 йил 10 июль), (рўйхат рақами 305-2, 2007 йил 23 апрель).

Адлия вазирлигининг 2017 йил 17 августдаги 249-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Маъруз ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

Тадбиркорларга янги имкониятлар

Хусусий бизнесни кредитлашда истиқболли қадамлар

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 августдаги «Кичик тадбиркорлик субъектларига микромолиявий ёрдам кўрсатиш, янги иш ўринлари ташкил этиш ва кам таъминланган оилаларга микромолиявий хизматлар кўрсатишни назарда тутадиган лойиҳаларни молиялаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 655-сон қарори билан Фаолиятини бошлаётган тадбиркорлар учун микромолиявий хизматлардан фойдаланиш жойлари, уларнинг кўлами ва ҳажмларини кенгайтириш бўйича 2017–2020 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Дастурда белгиланган меъёрлар тадбиркорлик ҳаракатини қўшимча моддий кўмак туфайли янада жонлантириб юборишига катта умид боғланмоқда.

Хизматлар ҳажми оширилади

Микромолиявий хизматлар ҳажмини кўпайтириш йўналишида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши кўзда тутилган:

- **Бошловчиларга илк капитални шакллантириш учун.** Ташкил этилганга 6 ойдан ошмаган тадбиркорлик субъектларига 24 ойгача қуйидаги миқдорларда микрокредитлар ажратилади: юридик шахс ташкил этмаган тадбиркорлик субъектларига – ЭКИХнинг 50 бараваригача; микрофирма ва деҳқон хўжаликларига (юридик шахс мақомига эга), кам таъминланган оилалар ва ўқув муассасалари битирувчиларига тадбиркорлик фаолияти, оилавий тадбиркорлик, касаначилик, хунармандчилик, шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш учун – ЭКИХнинг 100 бараваригача.

- **Бошловчиларга ўз фаолиятини кенгайтириш учун.** Тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш учун янги иш ўринлари яратиш шarti билан 24 ойгача ЭКИХнинг 500 бараваригача миқдорда бериладиган микрокредитлар ҳажмини кўпайтириш режалаштирилган.

- ти) асосида микрокредитлар ажратиш, жумладан, 3–5 кишидан иборат гуруҳ ташкил этилганда биргаликдаги жавобгарлик асосида кафолат таъминотисиз кредит ажратиш; гуруҳнинг ҳар бир аъзосига бир йилгача ЭКИХнинг 15 бараваригача бир хил миқдорда микрокредит ажратиш.

- **Хунармандлар учун.** Миллий матолар (адрес, атлас ва ҳ.к.), миллий пойабзал, дўппи, ёғоч буюмлар тайёрлаш йўналишларида фаолият кўрсатаётган хунармандчилик устоналарини жиҳозлаш учун тегишли ускуналар харид қилиш, шунингдек хунармандларнинг бозорлар ва савдо расталаридаги савдо қилиш жойларини таъмирлаш учун хунармандчиликни ривожлантиришга микромолиявий хизматлар кўрсатилади.

- **Уй-жойни яхшилаш учун.** Кам таъминланган оилалар ва айрим тоифадаги шахслар бандлигини таъминлаш ва улар даромадини ошириш йўналишида ҳам бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Хусусан:

- кам таъминланган оилаларни микрокредитлар билан кафолатли

Микрокредит миқдори қанча?

Бошланғич (старт) сармоясини шакллантириш учун микрокредит йилига 3 фоиз ставка бўйича 18 ой муддатгача:

ЭКИХнинг 50 бараваригача миқдорда – юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектлари учун;

ЭКИХнинг 100 бараваригача миқдорда – микрофирмалар ва деҳқон хўжаликларини учун (юридик шахс мақомига эга бўлган), кам таъминланган оилалар аъзолари ва ёшларга тадбиркорлик фаолияти, оилавий тадбиркорлик, касаначилик, хунармандчилик, шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш учун;

ЭКИХнинг 200 бараваригача миқдорда – фермер хўжаликлари учун берилади.

Янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларига микрокредит бошланғич (старт) сармоясини шакллантириш учун улар кредит олиш учун давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 6 ой мобайнида буюртма тақдим этилганда берилади.

Микрокредитлар нақд пулсиз шаклда берилади (ВМнинг 6.05.2006 йилдаги 78-сон қарори билан тасдиқланган «Микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомдан»).

- **Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган битирувчилар учун.** Олий таълим муассасалари ва коллеж битирувчилари учун «Start-up ҳафталиклари» дастури доирасида тақдим этилган ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг «bisnes.mehnat.uz.» сайтида жойлаштирилган истиқболли лойиҳалар муаллифлари учун микрокредитлар ажратилади.

- **Гуруҳ кафолати.** Тадбиркорлик фаолиятини бошлаётганларга биргаликдаги жавобгарлик (гуруҳ кафола-

таъминлаш учун бериладиган сугурта полислари бўйича 1 фоизгача сугурта мукофоти ундирилади;

- уй-жой шароитларини яхшилаш учун истеъмол кредитлари ажратилади;

- аҳолига, биринчи навбатда, кам таъминланган оилаларга шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш учун микрокредитлар ажратилади.

- **Янги мини-технологиялар учун.** Замонавий мини-технологияларни жорий қилиш асосида қишлоқ жойларда иш ўринлари яратиш лойиҳаларини



молиялаштириш тадбири ижроси учун қишлоқ жойларда янги мини-технологияларни жорий этиш лойиҳаларини молиялаштириш, жумладан: қуёш панеллари (батареялари); сув

иситтиг қуёш қурилмалари; сизот сувларни чиқариш учун сув насосларини ўрнатиш; кам қувватли технологик ускуналар (минитехника, боғдорчилик техникаси) режалаштирилган.

Аҳоли бандлиги доирасидаги реал ишлар

Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадидо республиканинг аҳоли яшаш жойларини банк хизматлари билан қамраб олишни кенгайтириш чора-тадбирлари режалаштирилган. Кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларнинг рўйхатини шакллантириш ҳамда тижорат банклари томонидан кам таъминланган оилалар аъзоларининг тадбиркорлик билан шуғулланиши учун молиявий ёрдамни мақсадли тақсимлашни ташкил этиш амалга оширилиши айнан мазкур тадбирнинг мантиқий натижасидир.

2018 йилнинг биринчи чорагида микрокредитлар ажратиш механизми доирасида тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида

бўлганлар учун банк филиалларида икки кунлик курслар ташкил қилинади.

Бандликка кўмаклашиш марказларида рўйхатдан ўтган ва мутахассислиги бўйича иш топа олмаган фуқароларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиши қўллаб-қувватланади.

«Микрокредитбанк» АТБ ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ўртасида кредит бериш бўйича электрон ахборот алмашиш базаси ташкил этилади.

«Микрокредитбанк» АТБнинг аҳоли бандлигини таъминлашни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича марказлаштирилган Call-маркази ташкил қилинади.

Маҳалладан буларни изланг

Бандликка кўмаклашиш марказлари ва маҳалла фуқаролар йиғинларида қуйидаги ахборот материаллари жойлаштирилади:

микромолиявий хизматлар турлари ва механизмлари тўғрисида стандартлаштирилган кўргазмалар қўлланмалар, тадбиркорлик фаолияти йўналишлари бўйича кредит олиш учун зарур ҳужжатлар намуналари;

бизнес-режалар намуналари, зарур ва ихчам ускуналарни маҳаллий етказиб берувчилар ёки дилерлар ҳақида ахборот;

хом ашё турларини етказиб берувчилар ва турли йўналишларда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари тайёр маҳсулотларининг истеъмолчи ташкилотлари тўғрисида ахборот;

тижорат банклари мутахассисларининг аҳоли билан учрашувлари жадваллари, боғланиш учун маълумотлар, микрокредит шартлари (буклетлар), саволнома нусхалари;

муайян туманда транспорт хизматлари кўрсатадиган ташкилот ҳақида маълумотлар.

Сотишга кўмаклашув

Тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини сотиш шохобчаларини ташкил этишдан қўзланган мақсад – таълим муассасаларининг микрокредитлар олган битирувчилари, оилавий

тадбиркорлар, касаначилар, хунармандлар, шахсий ёрдамчи хўжалик эгаларининг товар ва хизматлари сотишнинг мақсадли қўллаб-қувватлашга кўмаклашишдан иборат.

Танловлар

Микрокредитлар ажратиш тизимига аҳолининг эътиборини кенг жалб қилиш мақсадида «Микромолиялаштириш тизимида энг фаол миқоз», «Микромолиялаштириш тизимида энг фаол маҳалла фуқаролар йиғини», «Банд-

ликка кўмаклашувчи энг яхши марказ», «Банкнинг энг яхши бўлими» сингари курик-танловлари ўтказилади.

Фаррухжон Файзиев,
хуқуқ магистри.

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

Юк ташиш: ишни қандай тўғри ташқил этиш мумкин

Автомобиль транспортида юк ташиш бўйича МЧЖ очмоқчиман. Тошкент молия институтининг «Бухгалтерия» йўналишини тугатганман. ВМнинг 14.07.2006 йилдаги 138-сон қарори ва Низом (АВ томонидан 5.10.2006 йилда 1626-сон билан рўйхатдан ўтказилган) талабларига мувофиқ, МЧЖ директори ҳам, бухгалтери ҳам ўзим бўлмоқчиман, шунингдек ўрта махсус маълумотга эга иккита ҳайдовчи, автомобиль йўналишида олий маълумотли ташиш хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича мутахассисни ишга ёлламоқчиман.

1. Директор ҳам автомобиль йўналишида олий маълумотга эга бўлиши шартми ёки директор бўлган ҳолда автомобиль соҳасида олий маълумотга эга шахсни ташиш хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича мутахассис сифатида ишга қабул қилишим мумкинми?
2. МЧЖда бўлимлар ташқил этиш зарурми?
3. Жамият ходимларига қандай талаблар қўйилади?
4. Автомобиль транспортида юк ташиш билан шугулланувчи корхоналар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилишлари керак?

У.Шаропов.

1 Жамиятингиз юк ташиш билан шугулланмоқчи бўлса, у махсус йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шугулланаётган юридик шахсларнинг ходимларига ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шугулланаётган хусусий тадбиркорларга қўйиладиган малакавий талаблар тўғрисидаги низомда (АВ томонидан 5.10.2006 йилда 1626-сон билан рўйхатдан ўтказилган) кўрсатилган малакавий талаблар-

га риоя этиши шарт. Улардан бирида раҳбар автомобиль йўналишида олий касбий маълумоти тўғрисида дипломга ва 5 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши шартлиги белгиланган.

Сиз жамият директори бўла олмаслигингиз сабабли ташиш хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича мутахассисдан ташқари, автомобиль йўналишида олий маълумотга эга кишини ҳам излашингиз керак бўлади.

2 Қонун ҳужжатларида юк ташиш билан шугулланувчи корхонада бўлинмалар, бўлимлар ёки хизматларни мажбурий ташқил этиш зарурати назарда тутилмаган. Бу корхона раҳбарияти ихтиёридадир.

3 Юкларни ташиш билан шугулланаётган корхона ходимларига қуйидаги талаблар қўйилади (Низомнинг 4-банди):

➤ автомобиль йўналишида олий касбий маълумоти тўғрисида диплом, 5 йилдан кам бўлмаган иш стажига малакавий талабларга мувофиқ келиш борасида Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигида (бундан кейин – Агентлик) аттестациядан ўтганлик тўғрисида ижобий хулосанинг мавжудлиги – **юридик шахс** (юридик шахснинг транспорт бўлини маси (хизмати) **раҳбари** ва ташиш жараёнини ташқиллаштиришга жавобгар бўлган **юридик шахс** (юридик шахснинг транспорт бўлини маси (хизмати) **раҳбарининг ўринбосари** учун;

➤ автомобиль ёки техник йўналишида олий касбий маълумоти тўғрисида дипломнинг ҳамда ташиш хавфсизли-

гини таъминлаш бўйича малакавий талабларга мувофиқ келиш борасида Агентликда аттестациядан ўтганлик тўғрисида ижобий хулосанинг мавжудлиги – **ташиш хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича мутахассис** учун;

➤ тегишли тоифадаги автотранспорт воситасини бошқаришга белгиланган намунадаги гувоҳнома билан тасдиқланган ҳуқуқнинг мавжудлиги – **ҳайдовчилар** учун.

Шунингдек жамият автомобиль транспортида юкларни ташиш фаолиятини амалга оширишга лицензия олиш учун қуйидаги лицензия талаблари ва шартларига мувофиқ келиши керак (Низомнинг 9-банди, ВМнинг 14.07.2006 йилдаги 138-сон қарорига 1-шлов):

➤ автотранспорт воситаларидан фойдаланишда, уларни шайлашда

қонун ҳужжатларига, ташиш қоидаларига, экологик талабларга мажбурий риоя қилиши, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириши;

➤ штатида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун масъул бўлган, тегишли лавозимни эгаллаш ҳуқуқи учун Агентлик томонидан белгиланган тартибда аттестациядан ўтган мансабдор шахсларнинг мавжуд бўлиши;

➤ жамият фойдаланаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия карточкиси мавжуд бўлиши;

➤ автотранспорт воситасининг белгиланган тартибда техник қўриқдан ўтганлигини ва техник жиҳатдан созлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши;

➤ ташиш ва ёнғин хавфсизлиги талабларини бажариши, автотранспорт воситасини техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаши, уни асраши, техник қўриқдан ўтказиши, техника хавфсизлигини таъминлаши, автотранспорт воситаларини йўлга чиқишдан олдин техник қўриқдан ўтказиши;

➤ янгидан олинаётган ва тўлдириладиган автотранспорт воситаларига қўшимча лицензия карточкаларини ўз вақтида олиши;

➤ жамият ходимлари йўловчиларни ҳамда юкларни автомобиль транспортида ташиш фаолиятини амалга оширишда қўйиладиган малакавий талабларга мувофиқ келишлари шарт.

4 Юкни автомобиль транспортида ташиш фаолиятини тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидагилардир:

➤ Фуқаролик кодекси (709–725-моддалар);

➤ «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун;

➤ «Автомобиль транспорти тўғрисида»ги Қонун;

➤ Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида юкларни ташиш қоидалари (ВМнинг 1.08.2014 йилдаги 213-сон қарори билан тасдиқланган);

➤ Ўзбекистон Республикасида хавфли юкларни автомобиль транспортида ташиш қоидалари (ВМнинг 16.02.2011 йилдаги 35-сон қарорига 1-шлов);

➤ Ташувчиларнинг юк автомобиллари учун йўл варақалари, товар-транспорт юкхатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, тўлдириш ва қайта ишлаш бўйича йўриқнома (АВ томонидан 2.07.2004 йилда 1382-сон билан рўйхатдан ўтказилган);

➤ Юк автотранспорт воситаларининг

«Қамчиқ» доводидан ўтиши ва ҳаракатланиши устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низом (АВ томонидан 21.09.2012 йилда 2391-сон билан рўйхатдан ўтказилган);

➤ Автомобиль ва дарё транспорти ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрлари (АВ томонидан 8.09.2005 йилда 1511-сон билан рўйхатдан ўтказилган);

➤ Автомобилда халқаро ташишда ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам олиш режимидаги назорат қилиш учун фойдаланиладиган рақамли назорат қўрилмаси карточкалари тўғрисидаги низом (АВ томонидан 26.03.2012 йилда 2345-сон билан рўйхатдан ўтказилган);

➤ Автомобиллар ҳайдовчиларининг меҳнат гигиенасига доир санитария қоидалари (Давлат санитария врачи томонидан 26.05.2006 йилда тасдиқланган 0204-06-сон СанҚН).

Абдурахмон Бахтиев,
«Norma Online» эксперти.

Истиқбодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратова
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Газета нотири – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсатиши – 186. Қўғоз бичими – А3. Ҳажми – 2 босма табоқ. Баҳоли келишилган нархда.
Буюртма 1127. Адади 1 095. Газета 2017 йил 4 сентябрь соат 20.00 да топширилди.

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
ёлқазиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;

«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.